

442 - وَعَنِ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي قَبَّةِ نَحْوًا مِنْ أَرْبَعِينَ، فَقَالَ: «أَتَرْضَوْنَ أَنْ تَكُونُوا رُبْعَ أَهْلِ الْجَنَّةِ؟» قُلْنَا: نَعَمْ، قَالَ: «أَتَرْضَوْنَ أَنْ تَكُونُوا ثُلُثَ أَهْلِ الْجَنَّةِ؟» قُلْنَا: نَعَمْ، قَالَ: «وَالَّذِي تَفْسُنُ مُحَمَّدٌ بِيَدِهِ، إِنِّي لَأَرْجُو أَنْ تَكُونُوا نِصْفَ أَهْلِ الْجَنَّةِ، وَذَلِكَ أَنَّ الْجَنَّةَ لَا يَدْخُلُهَا إِلَّا تَفْسُنُ مُسْلِمٌ، وَمَا أَنْتُمْ فِي أَهْلِ الشَّرِكِ إِلَّا كَالشَّعْرَةِ الْبَيْضَاءِ فِي جَلْدِ الثَّوْرِ الْأَسْوَدِ، أَوْ كَالشَّعْرَةِ السَّوَادِإِ فِي جَلْدِ الثَّوْرِ الْأَحْمَرِ» مُتَفَقُّ عَلَيْهِ [خ 6528، م 377/221].

442. Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга чодирда ўтирган эдик. Чамаси қирқ киши эдик. У зот: «Жаннат аҳлининг тўртдан бири бўлишга розимисизлар?» дедилар. «Ҳа», дедик. У зот: «Жаннат аҳлининг учдан бири бўлишга розимисизлар?» дедилар. «Ҳа», дедик. Шунда у зот: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, мен жаннат аҳлининг ярми бўласиз деб умид қиласман, чунки жаннатга фақат мусулмон жон киради, холос. Сизлар ширк аҳлининг орасида худди қора ҳўқизнинг терисидаги оқ тукка [ёки қизил ҳўқизнинг терисидаги қора тукка] ўхшайсизлар», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Имом Бухорий Абу Саъид Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қиласидилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Аллоҳ таоло: «Эй Одам», дейди. У: «Лаббай, амрингга мунтазирман! Яхшилик Сенинг қўлингда», дейди. У Зот: «Дўзахга юбориладиганларни чиқар», дейди. У: «Дўзахга юбориладиганлар қанча?» дейди. У Зот: «Ҳар мингтадан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси», дейди. Ана шунда гўдакнинг сочи оқариб кетади, «ҳар бир ҳомиладор ҳомиласини

ташлайди ва одамларни маст ҳолатда қўрасан, ҳолбуки, улар маст эмаслар. Лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир».^[1] «Эй Аллоҳнинг Расули, ўша бир киши қайси биримиз?» дейишди. У зот: «Хушнуд бўлинг, чунки сизлардан бир киши, Яъжуж ва Маъжуждан эса минг», дедилар. Сўнgra «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, мен жаннат аҳлининг тўртдан бири сизлар бўласиз деб умид қиласман», дедилар. Биз такбир айтдик. «Жаннат аҳлининг учдан бири сизлар бўласиз деб умид қиласман», дедилар. Биз такбир айтдик. «Жаннат аҳлининг ярми сизлар бўласизлар деб умид қиласман», дедилар. Биз такбир айтдик. Шунда у зот: «Сизлар одамлар орасида оқ ҳўқизнинг терисидаги бир дона қора тук ёки қора ҳўқизнинг терисидаги бир дона оқ тукка ўхшайсизлар», дедилар».

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Алқамадан, у Ибн Бурайдадан, у отасидан ривоят қиласди. Ибн Бурайданинг отаси айтди: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни сахобаларидан сўрадилар:

- Жаннат аҳлининг тўртдан бири бўлишга розимисиз?

- Ҳа, – дейишди сахобалар.

- Жаннат аҳлининг учдан бири бўлишга розимисиз?

- Ҳа...

- Жаннат аҳлининг ярми бўлишга розимисиз?

- Ҳа...

Ҳазрати Пайғамбаримиз марҳамат қилдилар:

- Сизга муждалар бўлсин! Жаннат ахли бир юз йигирма сафдир. Шундан саксон сафи умматимдир”

(Ином Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

Ином Қуртубий «ал-Муфҳам» номли китобларида айтдилар: «**Жаннат аҳлининг ярми сизлар бўласизлар деб умид қиласман**» деган орзулари қуидаги оят ва ҳадис билан амалга ошгандир.

«Яқинда Парвардигорингиз Сизга (шундай неъматлар) **ато этурки, Сиз** (у Илоҳий марҳаматлардан) **рози бўлурсиз»** (Ваз-зуҳа сураси, 5-оят)

Аллоҳ: «Эй Жаброил, Муҳаммаднинг олдига бориб, «Умматинг хусусида сени рози қиласиз, маҳзун қилиб қўймаймиз», деб айт», деди». (Имом Муслим ривояти)

^[1] Ҳаж сураси, 2-оят.

Манба: hadis.islom.uz

